

Рамазон ойида ёш болаларни рўза тутишга қизиқтириш воситалари



19:30 / 22.04.2021 2593

Илгари Шом аҳлининг шундай одати бор эди: «Улар ёш болаларига рўза тутишни ўргатар экан, уни «минора зинаси» деб номлашар эди. Демак, ёш бола аввал бомдоддан пешингача рўза тутарди. Сўнг пешиндан асргача рўза тутарди. Кейин асрдан то қуёш ботиб, катталар билан оғиз очгунича рўза тутарди. Биринчи рўза тутган куни бу бола учун махсус ифторлик дастурхони ёзилади. Дастурхонга турли-туман таомлар, ичимликлар ва ҳар хил ширинликлар ҳамда мева-чевалар қўйилади. Бола ўртада туради. Аҳли уни ўраб олиб, мақтаб, олқишлайдилар. Аллоҳга ҳамд айтишни ўргатадилар. Унга Аллоҳ ҳузурида қандай ажрлар борлигини тушунтирадилар. То ифтор бўлганини билдирувчи азон айтилгунича шундай қиладилар. Мазкур дастурхон ёш болаларнинг рўзага бўлган муҳаббатини оширишда омил бўладиган энг муҳим воситалардан

биридир».

Али Тантовий